O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 14-iyun • Dushanba • 70 (31.190) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШҲТ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Тошкент шаҳри, 2010 йил 11 июнь)

Муҳтарам давлат раҳбарлари!

Ҳурматли Саммит қатнашчилари!

2001 йилда тузилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тарихан қисқа вақтда замонавий геосиёсатнинг нуфузли халқаро тузилмасига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор.

ШҲТни ривожлантиришда Ташкилот доирасида кузатувчилар ҳамда мулоқот бўйича шериклар институти жорий қилингани принципиал муҳим аҳамиятга эга бўлди. АСЕАН, МДҲ билан ўзаро англашув меморандумлари қабул қилингани, шунингдек, 2010 йил апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Тошкентга ташрифи асосида ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзолангани ШҲТни ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлди.

Ишончим комилки, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши ШҲТ олдида турган вазифаларни бажариш ва БМТ доирасида ШҲТга аъзо давлатлар манфаатларини биргаликда илгари суриш учун БМТ минбаридан янада фаол фойдаланиш имконини беради.

Бугунги Саммит чоғида Янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашимиз керак. Шу тариқа ШҲТ ўз тараққиёти йўлида навбатдаги муҳим қадамни ташлайди — тенг ҳуқуқли янги аъзолар ҳисобига Ташкилотни кенгайтиришга, жаҳон миқёсидаги глобаллашув шароитида ШҲТнинг манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга йўл очилади.

Низомнинг тасдиқланиши ШҲТга аъзо давлатлар таркиби ўз-ўзидан унда кузатувчи мақомига эга бўлган давлатлар ҳисобидан кенгаяди, дегани эмас, албатта.

Низомнинг қабул қилиниши билан ШҲТга аъзо давлатлар қаторига кириш учун фақат ҳуқуқий асос яратилади.

Ишончим комилки, ШҲТни янада изчил ривожлантиришни, унинг фаолияти ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни таъминлашда бугунги Саммит чоғида Ташкилотимизнинг процедура қоидаларини тасдиқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжат ШҲТ ва унинг органлари тизимли фаолият юритишини, ШҲТда қабул қилинадиган ҳужжатлар ва қарорлар сифат жиҳатдан юксак даражада тайёрланиши ва ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Умуман айтганда, ШҲТни ривожлантириш борасидаги ишларнинг изчиллиги танқидий баҳоланадиган бўлса, тўла асос билан айтиш мумкинки, ШҲТни ривожлантириш ва халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш бўйича, Ташкилотнинг бош мақсадлари — тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, ШҲТ давлатларининг барқарор иқтисодий тараққиётини таъминлашга, гуманитар ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтиришга эришиш йўлида Ташкилотнинг роли ва имкониятларини ошириш борасида чуқур ўйланган, қатъий ва аниқ мақсадларга йўналтирилган жараён давом этмоқда.

Ҳурматли Саммит иштирокчилари!

Эътиборингизни яна бир масала — Афғонистон муаммосига қаратмоқчиман. Афғонистон муаммоси ШҲТнинг деярли барча мажлисларида муҳокама этиб келинаётган муҳим масалалардан бири бўлиб, бугун ҳам бу мавзу диққат-эътиборимизда турибди.

30 йилдан буён уруш давом этаётган Афғонистондаги муаммоларни ҳал қилмай туриб, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик ҳақида гапириш мумкин эмас, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўйлайманки, бу залда ҳозир бўлганларга Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича — «6+3» тинчликпарвар гуруҳини шакллантириш ташаббуси деб ном олган — таклифларининг мазмуни яхши маълум. Ушбу таклифларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат.

Биринчидан. Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Биз бу масалани НАТО/СЕАПнинг 2008 йил апрель ойида Бухарест шаҳрида бўлган саммитида ва бошқа халқаро форумларда кўтарган бўлсак, бугун афғон муаммосини ечишга дахлдор деярли барча мамлакатлар раҳбарлари бу ҳақда гапирмоқда.

Иккинчидан. Афғонистон муаммоларини ҳал этишда ва у ерда барқарорликни таъминлашда биринчи навбатда жафокаш афғон халқига мақсадли иқтисодий ёрдам кўрсатишга, мамлакатнинг транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини барпо этиш ва шакллантиришга, аҳоли бандлигини таъминлашга, қашшоқликка қарши курашиш билан боғлиқ ўткир муаммоларни ечишга устувор аҳамият берилиши керак.

Учинчидан. Афғонистоннинг тарихий, этник ва демографик хусусиятларини, ушбу мамлакатнинг кўп миллатли ва кўп конфессияли халқи амал қиладиган қадимий урф-одатларни, ислом динининг анъанавий қадриятларини инобатга олиш ва ҳурмат қилиш зарур.

Тўртинчидан. Муроса жараёнига Афғонистон аҳолиси ва истисносиз барча қарамақарши кучлар, этник ва диний гуруҳлар жалб қилинмаса, улар ўртасида консенсусга эришилмаса, Афғонистонда уруш ҳали узоқ давом этиши мумкин.

Бешинчидан. Бу жараёнда уч етакчи субъект – АҚШ, Россия ва НАТОнинг фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Қўшни мамлакатларга, таъкидлаб айтаман, Афғонистонга бевосита чегарадош бўлган мамлакатларга таяниш бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Афғонистондаги этник гуруҳларга таъсир кўрсата оладиган ана шу мамлакатларни жалб этиш билангина ижобий натижага умид қилиш мумкин.

Энг муҳими, бу вазифаларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг етакчилиги ва шафеълигида амалга оширилиши зарур.

Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муммолари ҳақида гапирганда, Қирғизистондаги ҳозирги вазият хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Ўзбекистоннинг ушбу республикадаги воқеаларга муносабати Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг 2010 йил 9 апрелдаги махсус Баёнотида аниқ акс эттирилган. Биз бу воқеалар Қирғизистоннинг ички иши, деб ҳисоблаймиз ва бунга ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ.

Қирғизистон жамоатчилиги ва халқининг бугунги кунда ушбу мамлакатда юзага келган мураккаб вазиятда тўғри йўл топиш учун ҳаётий тажрибаси ва ақл-идроки етарли эканига ишончим комил.

Биз бугун имзолайдиган ШҲТ Тошкент Саммитининг Декларациясида аъзо давлатларнинг бу масала бўйича умумий позицияси ифода этилган. Унинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат — биз Қирғизистон халқи билан ҳамжиҳатмиз, ушбу мамлакатдаги мураккаб вазиятдан барчамиз ташвишдамиз, вазиятни тезда ўнглаш ва ҳокимиятни қонунийлаштириш, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилаш мақсадида Қирғизистон Республикасига зарур ёрдам кўрсатишга тайёрмиз.

Мен қисқача тўхталиб ўтмоқчи бўлган навбатдаги масала — бу дунёдаги деярли барча мамлакатларни ташвишга солаётган инқироздан кейинги даврда иқтисодиётни тиклаш муаммоларидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг энг авж олган даври асосан ортда қолганига қарамай, инқироздан чиқиш ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг мураккаб, оғир ва анча узоқ кечадиган босқичи ҳали олдинда экани ҳақидаги кўплаб нуфузли эксперт ва таҳлилчиларнинг фикрлари тўғри эканлиги тобора аён бўлиб бормоқда. Айни пайтда айрим мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг пасайиши, юқори даражадаги ишсизликнинг сақланиши, аҳолининг реал даромадлари камайиши, молия ва банк бозорларида жиддий кескинликлар юзага келиши каби ҳолатлар такрорланиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Муаммоли ва қайтарилмайдиган кредитлар ҳажми кескин ошаётган шароитда бозорни катта миқдордаги пул билан шириш давом этаётгани, шунингдек, банк-молия сектори фаолияти етарли даражада назорат қилинмаётгани спекулятив капиталнинг кўпайиши, фонд ва хомашё бозорларида «пуфаклар» пайдо бўлиши учун шароит яратмоқдаки, бу молия ва валюта бозорларида салбий оқибатларга олиб келадиган янги ўпирилишларга сабаб бўлиши мумкин.

Пул ва тўлов воситалари эмиссиясининг ўсиб бораётгани, биринчидан, уларнинг қадрсизланишига ва аввало, конвертация қилинадиган валюталарга бўлган ишончнинг пасайишига олиб келиши, иккинчидан, инфляциянинг ўсиб кетиши билан боғлиқ хавфли вазиятни келтириб чиқариши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзининг миқдори жиддий муаммога айланиб, айрим мамлакатларда эса хавфли тус олиб, молия секторида катта кескинликни келтириб чиқармоқда, харажатларнинг чекланиши ҳамда ички ва ташқи бозорларда талаб қисқаришига олиб келмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Осиё минтақасининг аксарият давлатларига нисбатан кучли таъсир кўрсатмагани ва ушбу мамлакатларнинг кўпчилиги унинг оқибатларини муваффақиятли, ишончли бартараф этаётгани барчамизга катта мамнуният бағишлайди.

Бироқ жаҳон иқтисодиёти ривожланиш жараёнларининг ўзаро узвий боғлиқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, инқироздан чиқиш, иқтисодий ва молиявий соғломлаштириш бўйича юзага келаётган ва кескин тус олаётган муаммолар, қаерда пайдо бўлишидан қатъи назар, барча мамлакатлар ҳамда минтақаларга ғоят катта таъсир кўрсатиши мумкинлигини унутмаслигимиз даркор.

Марказий Осиё минтақасида инқирозга қарши ва инқироздан кейинги ривожланиш дастурларини амалга оширишга доир вазият ҳақида гап борар экан, бу борада ҳамон сақланиб қолаётган муаммоларни ҳал этиш учун бизнингча, кўп жиҳатдан ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала — коммуникацияларни ривожлантириш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ерда гап ҳам трансчегаравий, ҳам ички давлат аҳамиятига молик автомобиль, темир йўл, ҳаво транспорти коммуникацияларини барпо этиш ва реконструкция қилишга, ахборот-коммуникация алоқасига оид лойиҳалар ҳақида бормоқда.

Узоқ ўтмишда Шарқ билан Ғарбни боғлаган ва Марказий Осиё минтақасининг жўғрофий ва геосиёсий жойлашуви нечоғли муҳим эканини исботлаган Буюк ипак йўли инсоният тарихида қандай чуқур из қолдирганини барчамиз яхши биламиз.

Биз яшаётган XXI глобаллашув ва буюк ўзгаришлар асри кун тартибига биринчи навбатда замонавий коммуникацияларни, логистика марказлари ва турли хабларни ривожлантириш масаласини қатъий қўймоқда. Бинобарин, булар минтақавий ва жаҳон миқёсидаги интеграция ва кооперация жараёнларининг муҳим таркибий бўғинларидир.

Айниқса, бизнинг улкан минтақамиз ҳудудида бундай коммуникация марказларини қуриш ва шакллантириш тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай марказлардан ҳам Шарқ, ҳам Ғарбдаги етказиб берувчи ва харидор мамлакатлар компаниялари бирдай манфаатдордир.

Автомобиль ва темир йўлларни, улар билан боғлиқ юкларни ортиш-тушириш станциялари ва марказларини қуриш, буларнинг барчаси кўп меҳнат талаб қилишини ҳисобга олганда, маҳаллий аҳоли бандлиги ва даромадларининг катта манбаига айланиши, шу тариқа минтақада энг муҳим ва ҳал қилувчи масалалардан бири бўлган барқарорликни таъминлашда улкан аҳамият касб этиши мумкин. Ушбу масалаларнинг комплекс тарзда ҳал этилиши минтақа тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожланишининг асосий воситаларидан бирига айланиши мумкинлиги ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бироқ бу вазифаларни фақат халқаро молия институтлари ва ҳомий давлатларнинг жиддий молиявий қўллаб-қувватлаши билан амалга ошириш мумкин, айни пайтда ушбу масалалар жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Ўтган даврда Жамоатчилик қабулхоналарига 204 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлса, шулардан 135 масала ижобий ечим топди. →2

«ШҲТга ўз муаммоларингизни кўтариб кирманг» шиори Тошкентда имзоланган янги аъзолар қабули тартиб-қоидаларини ифода қилувчи Низомнинг негизи. →2

Ваколатларнинг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш маҳаллий ҳокимиятни номарказлаштириш жараёнининг асосий қисмидир. →3

Талабаликнинг илк кунлариданоқ дарсларни қунт билан ўзлаштираяпман. Келажакда Тошкент тиббиёт академиясида ўқиш ниятим бор. →4

ГАЗЕТАЛАРИМИЗГА ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА! ВАҚТНИ БОЙ БЕРМАНГ!

ОБ-ҲАВО 13-14.06.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	36°C	37°C
Самарқанд	37°C	38°C
Нукус	39°C	40°C
Қарши	40°C	41°C
Урганч	39°C	40°C
Навоий	39°C	40°C
Фарғона	36°C	37°C
Бухоро	39°C	40°C
Андижон	36°C	37°C
Наманган	36°C	37°C
Термиз	41°C	42°C
Жиззах	37°C	38°C
Сирдарё	37°C	38°C
Тошкент вил.	37°C	38°C
Лондон	25°C	26°C
Париж	30°C	31°C
Москва	21°C	22°C
Мадрид	32°C	33°C
Пекин	25°C	26°C
Гонгконг	31°C	32°C
Рим	30°C	31°C
Анқара	29°C	30°C
Токио	25°C	26°C
Стокгольм	21°C	22°C
Кейптаун	23°C	22°C
Қоҳира	33°C	34°C
Гавана	40°C	41°C
Вашингтон	30°C	31°C

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Ўзбекистон жамоатчилиги ва халқи сўнгги кунларда Қирғизистон жанубидаги Ўш шаҳрида рўй бераётган воқеалар юзасидан қаттиқ хавотир ва ташвишда эканини билдиради.

Ўш шаҳри кўчалари ва уйларида босқинчи тўдалар томонидан тинч аҳолига нисбатан содир этилаётган ва жазосиз қолаётган қотиллик, зўравонлик, қирғин, ўт қўйиш ва талон-торож ҳолатлари бутун жаҳон жамоатчилигининг ғазабини қўзғамоқда.

Айниқса, оммавий тус олган қотиллик, талон-торож ва уйларга ўт қўйиш ҳолатлари Ўш шаҳри ва Ўш вилоятида яшаётган ўзбек миллатига мансуб аҳолига нисбатан содир этилаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди ва бу ғоят жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Уюштирилаётган, бошқарилаётган ва иғвогарлик характерига эга бундай хатти-ҳаракатлар миллатлар ўртасида низо қўзғатиш, Қирғизистон жанубида яшаётган кам сонли миллатлар вакиллари учун чидаб бўлмайдиган шароитни вужудга келтириш ниятида узоқни кўзлаб содир этилмоқда, деб хулоса чиқариш учун барча асослар бор.

Буларнинг барчаси нияти қирғиз халқи манфаатларидан мутлақо йироқ бўлган қабиҳ кучлар фитнаси билан содир этилаётганига бизда ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Бугунги кунда Ўш шаҳрида рўй бераётган бундай воқеалар Қирғизистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар вакиллари ўртасидаги кўп асрлик, анъанавий, тарих синовларидан ўтган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига мутлақо мос келмайди.

Кўп синовлар ва воқеаларни бошидан кечирган Қирғизистон халқи ва унинг соғлом кучларининг мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш, кўп миллатли Қирғизистон халқининг тинч ва фаровон келажагини таъминлаш мақсадида авж олган жиноятчилик ҳамда хунрезликларга чек қўйиш учун ақл-идроки ва ҳаёт тажрибаси етарли эканига ишонч билдирамиз.

Хавфсиз ва барқарор ривожланишнинг салоҳиятли маркази →2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 8 ИЮНДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1289,21	1 Миср фунти	279,69	1 СДР	2317,85	10 Жанубий Корея вони	12,84
1 Англия фунт стерлинги	2287,31	1 Канада доллари	1489,76	1 Туркия лираси	983,77	10 Япония иенаси	173,76
1 БАА дирҳами	431,70	1 Хитой юани	232,14	1 Швейцария франки	1359,00	1 Россия рубли	51,03
1 АҚШ доллари	1585,55	1 Малайзия рингити	475,50	1 Евро	1942,07	1 Украина гривнаси	200,06

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Хавфсиз ва барқарор ривожланишнинг салоҳиятли маркази

■ Тошкент саммити ШҲТ тарихидан ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, минтақавий ҳамкорлик ва хавфсизликни ривожлантириш йўлида муҳим келишувларга эришилган саммит сифатида алоҳида ўрин олади. Буни ушбу анжуман ишини атрофлича ёритган дунёнинг нуфузли ОАВ масъул ходимлари ҳам эътироф этишмоқда.

Андрей КРАПЕНКО,
«Новости» ахборот агентлиги мухбири, Россия:

— Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги даврида минтақада тинчлик ва иқтисодий ҳамкорликка доир бир қатор ишлар амалга оширилди. Афғонистон ва қўшни Қирғизистонда барқарор вазиятни тиклашда расмий Тошкент илгари сураётган таклифлар ва ташкилот доирасидаги амалий ёрдамларда фаол иштироки фикримиз далилидир.

Тошкент ҳамиша тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келган. ШҲТнинг кенгайишига доир низомнинг шу ерда имзоланиши ҳам ўзига хос рамзий маъно касб этди.

Маъруф Ҳафиз РУШТ,
«Исломобод Таймс» нашри сиёсий шарҳловчиси, Покистон:

— Ўзбекистон раҳбарияти наркотрафик, терроризм ва экстремизмга қарши курашни кучайтирмасдан, бир-бирига бевосита алоқадор бу уч иллатнинг пайини қирқмасдан, афғон муаммосини ҳал қилмасдан туриб минтақада ва дунёда тинчлик-осойишталикка эришиб бўлмаслигини биринчилардан бўлиб таъкидлаган. Ушбу оқилона сиёсат давлатингиз ташқи сиёсатида яққол кўзга ташланиб, бошқа давлатлар учун ўрнак бўлмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистон раислигидаги фаолияти кўплаб халқаро сиёсатдонлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Республика иқтисодиёти ва сиёсатидаги илғорлик, барқарорликни биз доим эътироф этиб келганмиз. ШҲТ билан, қолаверса, Ўзбекистон билан яқин шерикчилик нафақат Покистон, балки барча мамлакатлар учун минтақадаги имкониятлар эшигини очади.

Чу ДИНАЙ,
«Жэньминь жибао» газетаси мухбири, Хитой:.

— ШҲТ доирасидаги савдо-иқтисодий алоқалар унга аъзо мамлакатлар учун алқачон реал фойда бера бошлаган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Ҳозирги пайтда тинчлик, тараққиёт ва ҳамкорликка интилиш замон тақозосига айланган. Ўзгараётган дунё ҳамжамияти, аъзо мамлакатлар ШҲТга катта умид ва ишонч билан қарашмоқда. Бу ўз навбатида ташкилот зиммасига катта масъулият юклайди.

Тараққиёт ва бирдамлик чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон барқарор иқтисоди ва сиёсати билан минтақада ўз обрўсига эга. Унинг раислигида ШҲТ хавфсизлик ва ҳамкорлик белгиси эканини яна бир бор исботлади. 2004 йилда Тошкентда ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ташкил қилинган эди. Шу кунга қадар расмий Тошкент ташаббуси ва кўмаги билан тузилма халқаро терроризмга қарши қатор тадбирлар уюштирмоқда. Маданий ҳамкорлик доирасида ҳам Ўзбекистон энг фаол иштирокчилардан биридир. Зеро, бой маданияти ва буюк ўтмиши билан юртингиз доимо дунё диққат марказида.

Ражеш Громан МУКЕРЖИ,
«Ҳиндустан таймс» мухбири, Ҳиндистон:

— ШҲТ ташкил қилинганидан буён тўққиз йил ўтди. Бу йиллар ривожланиш ташкилот аъзоларининг ўзаро ишонч, ҳамкорлик, тенглик ва бирдамлигини намойиш қилди. Кундан-кунга таъсири кучайиб бораётган ШҲТ нафақат қитъада, балки дунёдаги энг йирик субъектга айланган. Тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш, минтақадаги иқтисодий юксалишда ташкилотнинг муҳим роли бор. Ҳиндистоннинг ШҲТнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиш истаги ҳам ушбу нуфузли ташкилот келажагига ишончи баландлигидан дарак беради.

Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги бирмунча минтақавий мураккабликлар даврига тўғри келган бўлса-да, оқилона сиёсат натижасида малакатлараро иноқлик, мақсад ва манфаатлар муштараклиги нафақат сақланди, бирмунча кучайди ҳам. Дунё назарида ШҲТ нуфузи янада ошди, айниқса, БМТ билан йўлга қўйилган ҳамкорликни алоҳида таъкидлаб ўтган бўлардим.

Дмитрий КОСЫРЕВ,
«Новости» ахборот агентлиги сиёсий шарҳловчиси:

— Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги кутилганидан ҳам муваффақиятли кечди. Расмий Тошкент аввалбошданоқ бутун диққатни ШҲТ ва халқаро муносабатлар тизимига қаратди. Бу ерда узоқни кўрувчи сиёсатдонлар борлигини биргина исботи БМТ бош котиби билан ҳамкорликка имзо чекилганидир. Бу минтақавий ташкилотнинг кўлами фақат Осиё билан чекланиб қолмаслигини намойиш қилди. Афғонистон муаммосини ҳал этиш музокаралари янги босқичга кўтарилди. Террор ва наркотрафикка қарши самарали ишлар амалга оширилди.

ШҲТ таркибининг кенгайиши масаласига келсак, бу минтақада янгича вазият пайдо бўлаётганидан дарак беради. Доимо кузатилганидек, Ўзбекистон қандай ташкилот доирасида бўлишидан қатъи назар, ўз мустақил позицияси борлигини намойиш қилди. Янги аъзоларнинг ташкилот таркибига киритилишининг асл моҳияти нимадалигини кўрсатди. «ШҲТга ўз муаммоларингизни кўтариб кирманг. ШҲТ бу — Марказий Осиё, қадим цивилизациялар ва савдо йўллари кесишган макон» шиори Тошкентда имзоланган янги аъзолар қабули тартиб-қоидаларини ифода қилувчи Низомнинг негизи, дейиш мумкин.

Махсус мухбиримиз Шаҳобиддин МУСАЕВ ёзиб олди.

Депутатлик назорати

электорат манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади

Сиёсий семинар ■ Жамият тараққиёти, куч-қудрати фуқароларнинг сиёсий онги, маданиятига бевосита боғлиқ. Бу борада сиёсий партияларнинг роли катта. Тошкент шаҳар партия кенгаши ташкил этган электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутат назорати ва ҳуқуқини қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалаларига бағишланган сиёсий семинарда айнан шу масала атрофида фикр юритилди.

— Мамлакатимизнинг давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг мавқеи кундан кунга ортиб бораяпти, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, 44-оилавий поликлиника бош шифокори Муқаддасхон Раҳматуллаева. — Уларнинг парламент ва жойлардаги ҳокимият вакиллик органлари фаолиятидаги таъсири сезиларли даражада ошди. Бугун биз депутатлардан сайлов арафисида партиямиз зиммага олган мажбуриятларни бажариш талаб этилади. Электорат билан мунтазам учрашиб, депутатлик назоратини изчил йўлга қўйишимиз даркор. Қонунлар ижроси жойларда ўрганилаяпти. Май ойи давомида ҳокимиятга 6 та депутатлик сўрови билан чиқдим. Булар аҳолини ўйлантираётган турли масалаларни ўз ичига олган.

— Партиямизнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари, етакчилари, депутатларга бириктирилган, — дейди «Истиқбол» ёшлар қаноти Юнусобод туман бўлими етакчиси Фарҳод Холмонов. — Бундан мақсад ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини ошириш, амалга оширилаётган ислоҳотларда бевосита уларнинг иштирокини таъминлашдир. Биз депутатлар билан сайлов округларида бўлиб шу ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ўрганамиз, уларнинг ечими бўйича таклифларимизни билдирамиз.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари — Юнусобод туман партия кенгаши раиси Нигора Эшметова, 53-оилавий поликлиника бош шифокори Кимё Шокирова ва бошқалар ҳам мавзу юзасидан атрофлича фикр юритишди. Депутатлар ўзларига тегишли таклиф-хулосаларни белгилаб олишди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида

18 нафар ЎзҲДПдан сайланган депутатимиз бор, — дейди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова. — Электорат манфаатларини ҳимоя қилишда уларнинг салоҳияти, фаоллиги жуда муҳим. Қачонки депутат халқ дарди, ташвиши билан яшаса, аҳоли унга ишониб мурожаат қилади. Қолаверса, қонунларнинг амалдаги ижроси устидан назорат ўрнатиш ҳам депутатларнинг асосий вазифаларидан биридир.

Электорат муаммоларини ўрганиш

ва унинг ижобий ечимини топиш вазифамиздир

ЎзҲДП ҳаёти ■ Партиямиз депутатлик гуруҳлари янги куч, янги таркиб билан фаолият бошлаганига олти ой бўлди. Атрофимизга теран кўз билан қарасак, партиямиз электоратини ўйлантираётган масалалар оз эмаслигини кўрамиз. Уларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиб, кун тартибига олиб чиқиш депутатларнинг халқ ишончини оқлаш йўлидаги муҳим вазифаларидандир. Бунинг учун туман Кенгашига сайланган ўн бир нафар депутатимиздан фаоллик, ташаббускорлик талаб этилади. Шундагина мажлисларда яхши ният билан айтаётган сўзимиз эзгу амалларга замин бўлади. Тарафдорларимиз сони ортади, хайрихоҳларимиз кўпаяди.

Йил бошиданоқ халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган депутатлар билан бу борада аниқ режаларимизни белгилаб олдик. Ҳозир Хонқа шаҳарчаси ва қишлоқларда тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш масаласини туман Кенгаши сессиясига киритиш устида иш бошладик. Уни чуқур ўрганиш, ҳар бир ҳудуддаги аҳволни яхши билиш ва мавжуд муаммо ечими бўйича амалий ҳаракат қилиш ижобий самара беради. Шу мақсадда депутатларимиз ҳудудларда мониторинг олиб боришаяпти.

Жамоатчилик қабулхоналари аҳолини ўйлантираётган, ташвишлантираётган масалаларни ўрганишда муҳим воситага айланди. Ўтган даврда Жамоатчилик қабулхоналарига 204 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлса, шулардан 135 масала ижобий ечим топди. Бу — фуқароларнинг талаб-истакларини имкон қадар бажарилишига кўмаклашиш, электоратимиз орасига тобора чуқурроқ кириб бориш учун жуда муҳимдир.

Фуқаро Қурбонбой Қаландаров Жамоатчилик қабулхонасига ўзи яшайдиган чекка ҳудудга автобус қатновини йўлга қўйиш масаласида мурожаат қилганди. II «Пахтакор» сайлов округидан туман Кенгаши депутати Замира Бекжонова бу масалани ҳал қилишга жиддий киришди. Ҳозир «Хонқа-Хонқаобод» йўналишида кунига уч марта автобус қатнови йўлга қўйилди. Партия электорат ишончини оқлаганидан, аҳоли эса муаммо ҳал бўлганидан хурсанд.

Хонқа шаҳарчаси фуқароси Роза Эшжонова етти яшар қизчаси Севаранинг оғир хасталиги, уни даволатишга ёрдам беришни сўраб мурожаат қилганди. 5-«Билим юрти» сайлов округидан сайланган туман Кенгаши депутати Муҳаммаджон Ёқубов бу савобли ишни ўз зиммасига олди. Кам таъминланган хонадон эгасига фарзандини даволатишда ҳомийлик ёрдами уюштирди.

Бу каби мисоллар кўп. Аммо булар кўпчиликка арзимаган ишларга ўхшаб туюлиши мумкин. Бироқ битта кичкинагина масаланинг ҳал этилиши ҳам мурожаат қилган фуқаро учун жуда муҳим.

«Томодурғадиқ», «Навхос» ва «Қорамози» каби чекка қишлоқларда ҳам Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини йўлга қўйишни режалаштиряпмиз. Бунда албатта шу ҳудуддаги депутатларимиз, партиямиз фаолларига суянамиз. Электорат муаммоларини ўрганиш ва уларнинг ижобий ечимини топиш бизнинг асосий вазифамиздир.

Аҳмаджон ВАИСОВ,
ХДП Хонқа туман кенгаши раиси.

Ёзги оромгоҳ

ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар фарзандлари учун

■ Ёзни ҳаммадан кўра, болажонлар интизор кутади. Чунки бу уларнинг дам олиш мавсуми, янги ўқув йилига тайёргарлик, куч-ғайрат тўплаш, жисмонан чиниқиш, соғлигини мустаҳкамлаш палласидир.



Зиёдулла НОРМУРОДОВ олган сурат.

Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида ҳам болажонларнинг ёзги таътил мавсумини муносиб ўтказиш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Янгиер футбол мактаб интернати негизида «Қалдирғоч» номли болалар ёзги дам олиш оромгоҳи ташкил этилгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

— Мазкур оромгоҳ шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ташкил этилди, — дейди шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муқаддас Ўрунбоева. — Бир вақтнинг ўзида 100 нафар болани ўз бағрига олади. Ёз давомида бу ерда 300 нафар боланинг мароқли дам олишини ташкил этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда. Эрталабки нонушта, тушлик, тушдан кейинги тамадди ҳомийлар ҳисобидан ташкил этилган. Шаҳар халқ таълими бўлими тарбиячилари, тиббиёт бирлашмаси шифокорлари кун давомида улар билан бирга бўлишади.

— Оромгоҳ кундуз кунига мўлжалланган, — дейди шаҳардаги 8-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ёдгора Исроилова. — Ҳар куни эрталаб 20 нафар ўқувчимни бу ерга олиб келиб, тарбиячиларига топшираман. Кечқурун келиб олиб кетаётганда уларнинг ҳар биридан кунлик таассуротларини сўрайман. Улар хурсандчилик билан турли спорт тўгаракларида қатнашаётгани, янги дўстлар орттираётгани, шифокорлар текширувидан ўтаётгани, турли кўнгилочар ўйин ва мусобақаларда иштирок этиб, ғолиб бўлаётгани ҳақида сўзлаб беришади. Мен эса уларга мириқиб ҳордиқ чиқариш билан бирга, китоб ўқишни ҳам канда қилмаслик зарурлигини тайинлайман.

Беҳзод ШУКУРОВ

Аёл саломатлиги

■ «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида кўзда тутилган масалалардан бири — соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдир

Бувайда тумани партия кенгаши ижтимоий ҳамкорлар иштирокида «Аёл саломатлиги — юрт бойлиги» мавзуида акция ўтказди. Унда партия фаоллари, депутатлар, БПТ раислари, маҳалла қўмитаси раисларининг маънавий-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилари, соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари иштирок этдилар.

Акция доирасида камқонлик касаллигига чалинган болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Улар зарур дори-дармон билан таъминланди.

— Мақсадимиз халқ соғлигини мустаҳкамлашга амалий ҳисса қўшиш, — дейди ЎзҲДП Бувайда тумани кенгаши раиси Х.Тошматов. — Аҳоли орасида камқонлик касалига чалинишнинг олдини олишда овқатланишни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун витаминга бой, парҳез таомлар, шифобахш мева шарбатлар, сабзавотлар, улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари қўлланма сифатида тайёрланиб, акция иштирокчиларига тарқатилди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенатининг аъзоси Раҳимахон Қўрғонова, ЎзҲДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Зиёдахон Абдуллаева иштирок этди ва давлатимиз томонидан хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар, ЎзҲДПнинг истиқбол режалари ҳақида гапириб беришди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Беғараз донорлик — саховат

14 июнь — Халқаро донорлар куни ■ Бирор бахтсиз тасодиф ёки оғир хасталик оқибатида кўп қон йўқотган бемор ҳаётини асраб қолишда, юрак, буйрак ҳамда бошқа хасталикларни жарроҳлик йўли билан даволашда беғараз қон топширган эзгу ниятли инсонларнинг хизмати беқиёсдир.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида «Беғараз донорлик — саховат» мавзуида бўлиб ўтган анжуманда шу ҳақда гап борди. Унда олимлар, шифокорлар, жамоат бирлашмалари вакиллари ва донорлар иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тиббий-ижтимоий жабҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида донорликни янада ривожлантириш, қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш ва такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августда қабул қилинган «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Юртимизда донорлик ва қон қуйиш хизматини жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилаётган оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳа доирасида кўплаб қон қуйиш станциялари қайта таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Анжуманда бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифалар хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Истеъдодлар кашф этилмоқда

«ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2010»

Қобилиятли, салоҳиятли, фаол ва жонкуяр ёшлар жамиятни ҳаракатлантирувчи кучдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда йигит-қизлар ҳар жиҳатдан камол топишига алоҳида эътибор қаратиляпти. ЎзХДП дастурида ҳам бу масала муҳим ўрин тутган. Шундан келиб чиқиб, «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ташкил этилган. Айни пайтда жойларда танловнинг шаҳар ва туман босқичлари ўтказилмоқда.

Танлов ёшлар ўртасида сиёсий таълим-тарбияни такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқий, сиёсий онгини юксалтириш, фуқаролик жамияти қурилишида иштирокини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, у сиёсий партиялар фаолияти, ёшларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида ёшларга тушунча ва маълумот беришга ҳам хизмат қилмоқда. Куни кеча Юқори Чирчиқ тумани Янгибозор ахборот-ресурс марказида танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари савол-жавоб, нотиқлик санъати ҳамда партия фаолиятига оид саҳна кўриниши каби шартлар бўйича беллашдилар.

Қизғин баҳсларда вилоят эндокринология шифохонаси ҳамшираси Дилфуза Рисқибоева биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Гавҳар Сиддиқова билан Зуҳра Акбаровага насиб этди. Ғолибларга туман партия кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ

✧✧✧

Мазкур танлов «Истиқбол» ёшлар қаноти Оҳангарон шаҳар бўлими томонидан ҳам ўтказилди.

Мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, ёшларга оид қонун лойиҳалари, бошқа меъёрий ҳужжатлар муҳокамаси, фуқаролик жамияти асослари бўйича ўз билимларини намойиш этган истиқболчилар орасидан энг кучлилари аниқлаб олинди.

Феруза Дадажонова 1-ўрин, Зуҳра Пирназарова 2-ўрин, Акмал Шанаев 3-ўринни қўлга киритди. Танлов ғолиби ва иштирокчилари ЎзХДП Оҳангарон шаҳар кенгаши томонидан фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишида танлов муҳим аҳамият касб этгани таъкидланди.

Маъмура ЭРГАШЕВА,
ЎзХДП
«Истиқбол» ёшлар қаноти
Оҳангарон шаҳар
бўлими раиси.

Танлов — рағбат омили

Тошкент вилояти Маънавият ва маърифат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Асқар Ёқубов (ЎзА) олган сурат.



Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Замонавий технологиялар кўргазмаси

«Uzbekistan Agrominitech Expo – 2010»

Самарқанд шаҳрида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг«Uzbekistan Agrominitech Expo – 2010» минтақавий ихтисослаштирилган халқаро кўргазма-савдоси ўтказилди.

Яқинда пойтахтимиздаги«Ўзэкспомарказ»да ўтказилган «Uzbekistan Agrominitech Expo» кўргазма-савдосининг мантиқий давоми сифатида ташкил этилган тадбирда Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан икки мингдан зиёд фермер ва тадбиркорлар, агрофирмалар вакиллари иштирок этди.

Кучли фуқаролик жамияти сари

маҳаллий давлат ҳокимиятининг номарказлаштириш жараёни

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ишлаб чиққан «ўзбек модели» асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Уни ўрганиш, таҳлил қилишга қизиқиш тобора ошиб бормоқда. Мазкур ислоҳотлар босқичма-босқич, бири иккинчисини тўлдирган, қўллаб-қувватлаган ҳолда давом эттирилмоқда.

Биринчи босқич 1991-2000 йилларни ўз ичига олади, дейиш мумкин. Бу — ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан бевосита боғлиқ. 2001 йилдан бошланган иккинчи босқич — фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври, десак, хато бўлмайди. Бу давр иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилиш билан ажралиб туради.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида маҳаллий ҳокимият тизимининг шароитга мос келадиган шаклини вужудга келтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйишга, янги тизим миллий ўзига хосликка мос ва мувофиқ бўлишига урғу берди. Бунда, албатта, давлатчилигимизнинг тарихий тажрибаси ислоҳотлар асосини ташкил этди. Бошқарув тизимидаги ҳар бир атама миллий менталитетимизга мос келиши шундай дейишга асос бўлади. Шу билан бирга, мамлакатимиз раҳбари илгари сурган «Бутун давлат ҳокимияти органлари ишининг самарадорлигини сақлаб қолган ҳолда ҳокимият ваколатларини марказ ихтиёридан соқит қилиш, бу ваколатларнинг бир қисмини марказдан минтақаларга, маҳаллий ҳокимият органларига олиб бериш» ғояси бошқарув тизими тўлақонли шаклланиб, такомил йўлига киргани кўрсатади.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида, «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш» деган маърузасида ислоҳотларнинг иккинчи босқичи, бунда мамлакат тараққиётини таъминловчи устувор йўналишлар ва стратегик вазифаларни белгилаб берди.

Унинг асосийларидан бири — аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтиришдан иборат. Умуман, диёримизни модернизация қилиш билан боғлиқ узоқни кўзлаган сиёсат «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилни ўзида ифода этади. Бунда нималар назарда тутилган?

Давлатимиз раҳбари, биринчи навбатда, ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштиришга эътибор қаратди. Яъни, мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш, уларни мукаммаллаштириш ва давр талабидан келиб чиқиб, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш масаласи илгари сурилди. Шунга кўра, кўпгина қонунлар қайта кўриб чиқилди. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг жамиятдаги ўрни ҳамда ваколатларини амалда янада кучайтириш галдаги муҳим вазифа қилиб белгиланди.

Номарказлаштириш назарияси ва жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, маҳаллий ҳокимиятнинг сиёсий, маъмурий ва молиявий ваколати кучайтирилса, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий масалалари тез ва самарали ҳал этилишига, ҳокимият бошқарувининг кучайишига ва мувофиқлаштирилишига, ҳокимиятнинг фуқаро ва жамият олдидаги масъулияти янада кучайиб, аҳолининг фаоллиги ошишига олиб келади. Дейлик, улар ҳудудга тааллуқли ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда, унинг ижросини назорат этишда қанча фаол бўлса, эзгу мақсад шунча тез рўёбга чиқади. Жамият ҳаётида маҳалланинг ўрни беқиёс. Кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган маблағ шу тизим орқали аҳолига етиб боради. Бу соҳадаги ишларни ўргансангиз, баъзи ҳолларда адолат тамойили бузилаётганига гувоҳ бўласиз. Бу каби камчилик ва холатларни бартараф этишда жамоатчилик назорати муҳим ўрин тутади.

Маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш маҳаллий ҳокимиятни номарказлаштириш жараёнининг асосий қисмидир. Бунда халқаро тажрибани ўрганиш, жаҳон тажрибасида бор бўлган ижобий анъаналарни қўллаш ишимиз ривожига хизмат қилади.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Нима учун давлат ҳокимияти органларини номарказлаштириш масаласи қатъий тарзда кун тартибига қўйилди?

Биринчидан, давр талабидан келиб чиқиб айтганда, ислоҳотларнинг биринчи босқичи натижалари давлатимиз, жамиятимиз учун янги имкониятлар эшигини очди. Жамият ҳаётида фуқароларнинг фаоллиги ва уларнинг сиёсий онги ошди. Сиёсий тизимнинг ислоҳ қилиниши маҳаллий ҳокимият тизимини янада ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, ҳаётидаги ўрнини янада оширишни талаб этди.

Иккинчидан, иқтисодий ислоҳотлар натижаси ўлароқ, барча соҳада ўсиш ва тараққиёт юзага келди. Ўзбек модели деб тан олинган ривожланиш стратегияси мева бера бошлади. Кейинги беш йил давомида ялпи ишлаб чиқариш маҳсулоти ўрта ҳисобда 7-9 фоизга ўсди. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг барча соҳасида ижобий кўрсаткичларга эришилди. Бу, ўз навбатида, давлат бюджетини профицитга олиб келиши, олтин-валюта захиралари ўсишига, банк-молия тизимидаги барқарорлик янада мустаҳкамланишига замин яратди.

Шу маънода, даврнинг ўзи аҳоли фаоллиги ва ташаббускорлигини оширишни талаб этмоқда. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси юртга эгалик туйғуси билан қараса, уни обод этишга шошилса, қонунлар ижросини, умуман, ҳаётни назорат этса, буюк келажак бунёдкорига айланади. Бундай жамият кучли бўлади. Уни ҳеч бир куч енга олмайди. Узоқни кўзлаб илгари сурилган **«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари»** тамойили шундай эзгу мақсадга хизмат қилади.

Сохий АННАКЛИЧЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги давлат
ва жамият қурилиши
академияси тингловчиси.

Хорижда

Нефть қувурида қўпорувчилик

«Ал-Қоида» ташкилоти билан боғлиқ бир гуруҳ жангарилар Яманнинг Қизил денгизга туташ Мағриб вилоятидаги нефть қувурларининг бир қисмини портлатиб юборишди.



Бу ҳақда «Рейтер» агентлиги маҳаллий «ал-Арабия» телеканали тарқатган маълумотга таяниб хабар қилган. Воқеа шанба куни содир этилган. Ҳозир маҳаллий мутахассислар қувурдан отилаётган нефтни тўхтатишга ҳаракат қилишмоқда. Маълумотларга қараганда, Мағриб тасарруфидаги бу қувур орқали нефть экспортга жўнатилади. У сўнгги пайтларда тез-тез террорчилар нишонига айланаётир.

Шу йилнинг май ойи охирларида Яманнинг Сафир шаҳридан хомашё жўнатувчи улкан нефть қувурларига ҳам ҳужум қилинган эди. Бу ўз навбатида ҳудудда бир муддат ёқилғи танқислигини вужудга келтирди.

Мағриб вилояти Қизил денгизнинг қазилма бойликлари сероб соҳили ҳисобланади. Ўтган йили Детройт аэропортида теракт уюштиришга уринган бир гуруҳ яманлик жангарилар қўлга олингач, АҚШ ҳукумати бу кичик араб давлати билан террорчиларга қарши ҳамкорликда иш олиб бориш тўғрисида битим тузди.

Нефть қувурига навбатдаги ҳужумдан сўнг Яман ҳукумати Шебва, Абин ва Мағриб каби вилоятларда жангариларга қарши кўламли ҳаракат бошлади.



Шимолий Корея ҳукумати жанубий қўшнисининг икки давлат чегарасида ўрнатилган радиокарнайлари ва бошқа тарғибот воситаларини йўқ қилишини билдирди, деб хабар беради Ассошейтед Пресс.

КХДР қўшнисининг тарғиботидан норози

КХДРнинг бу мавзудаги махсус баёнотида шимолий кореялик ҳарбийларнинг ҳужуми ҳар қандай тарғибот-ташвиқот объектларини, керак бўлса, Сеулни ҳам «ўтда ёндиришга қодир», дейилган. Мазкур чиқишга нисбатан Жанубий Корея ҳукумати ҳозирча ҳеч қандай муносабат билдирганича йўқ.

Икки ўртадаги вазият Сариқ денгизида Жанубий Кореяга тегишли «Чхонан» ҳарбий кемаси чўктирилгач, янада таранглашган эди. Шимолий Кореяга қарши ташвиқот қуролидан фойдаланиш икки ўртада навбатдаги таҳдидли баёнот пайдо бўлишига олиб келди.

«Чхонан» 26 мартда Пэннендо яримороли яқинида, КХДР чегарасидан унча узоқ бўлмаган ҳудудда портлатилган эди. Ўшанда 104 экипаждан 58 нафари омон қолган. Жанубий Корея АҚШ ва Япония қўллаб-қувватлаган ҳолда, бунга Шимолий Кореяни айбдор деяётган бўлса-да, Шимолий Корея кема ҳалокатига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини билдириб келмоқда.

Парламент сайловлари бошланди



Словакия республикаси парламентига сайлов жараёни бошланди. Миллий кенгаш ушбу республикада қонун чиқарувчи олий орган ҳисобланади. Бир палатали парламентга 150 нафар депутат 4 йил муддатга сайланади.

«Новости» ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, шанба куни ўтказилган сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, мамлакат бош вазири Роберт Фицонинг ҳукуматдаги етакчи «Истиқбол — социал-демократия» партияси кўпчилик овоз билан биринчи ўринда турибди.

Бельгияда ҳам муддатидан аввал парламент сайлови ўтказилмоқда.

Навбатдан ташқари парламент сайлови ўтказиш ҳақидаги қарор амалдаги ҳукумат маҳаллий икки тиллик гуруҳлар муаммосини ҳал қила олмай истеъфо бергач, қабул қилинган.

Гап шундаки, мамлакатнинг Брюссель-Халле-Вилвоорде сайлов округи аҳолиси 2007 йил янги ҳукумат тасдиқланганидан буён бир-бири билан мухолифатда. Иқтисодий жиҳатдан бир қадар ривожланган фламанд гуруҳи — «Янги фламанд иттифоқи» амалдаги федератив тузумдан конфедерацияга ўтиб, Брюсселга мухтор ҳудуд мақомини бериш ташаббуси билан чиқмоқда. Сўнгги икки йил мобайнида мунтазам парламент таркибидан норозилигини билдириб келган бу партия Барт де Вейвер раҳбарлигида янги таркиб билан ҳукумат тузмоқчи.

Асосан социалистлардан иборат валлон гуруҳининг «Ислоҳотчилик ҳаракати» эса Бельгиядаги энг кўп сонли йирик партиялардан биридир. Мутахассислар сайловда бу партиянинг ғалабаси аниқ, дея таъкидлашмоқда.

Ишонч ва эътибор

ёшлар ғайратини ошириб, ўз иқтидорларини тўла намоён этишга ундамоқда

Баркамол авлод — мамлакат келажаги ■ Президентимиз томонидан жорий йилнинг юртимизда Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик кўламини янада кенгайтирди. Қабул қилинган Давлат дастурига кўра мамлакатимизда ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим олиши, ўз иқтидорини тўлиқ намоён этиши, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Шу ўринда савол туғилади: ёшларимиз яратилаётган бундай имкониятлардан унумли фойдаланяптими? Улар ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг моҳиятини теран англаб етишяптими? Қандай эзгу орзулар билан яшашяпти? Биз бир гуруҳ ёшлар билан учрашиб, уларнинг дил сўзларини ёзиб олдик.



Кумар БЕГНИЁЗОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати:

— Адабиётга, журналистикага ҳавас қўйиб Қорақалпоғистоннинг чекка туманида шеър, ҳикоя, мақолалар ёза бошлаганим кечагидек эсимда. Биринчи ҳикоям газетада чоп этилганда ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон, деб билганман. Беғубор орзуларим ифодаси бўлган шеър, ҳикоя, мақолаларим эълон қилинганда ҳамон ўшандай ҳаяжонланаман, қувонаман. Ижодим туфайли Нукусдаги академик лицейга ўқишга қабул қилиндим. Республика кўрик-танловларида иштирок этиб билимларимни оширдим, совринли ўринларга лойиқ кўрилдим. Шу кунгача «Хат», «Болалик йиллардан хотиралар», «Содиқлик» номли китобларим нашрдан чиқди. Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганим эса ҳаётимдаги энг унутилмас воқеага айланди. Шу эътибор туфайли азим пойтахтимиздаги Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабаси бўлдим. Биз ёшларга Президентимиз билдираётган ишонч, яратилаётган имкониятлар ҳаётимизга мазмун бахш этяпти, руҳимизни кўтармоқда. Энди шу ғамхўрликларга муносиб жавоб қайтариш бизнинг бурчимиз. Бунинг учун олдимга юксак мақсадларни қўйиб, кўпроқ ўқиб-ўрганишим лозим. Мен ижод соҳасидаги изланишларим қамровини устозларим ёрдамида кенгайтириб, ЎзҲДП «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзоси сифатида жамоат ишларига янада фаолроқ қатнашишга ҳаракат қилаяпман.

Мансурхўжа МЎМИНХЎЖАЕВ, спортнинг дзюдо тури бўйича Сингапур олимпиадаси йўлланмаси соҳиби:

— Беш ёшимдан дзюдо билан шуғулланаман. Шу кунгача ўсмирлар ўртасида тўрт карра Ўзбекистон чемпиони, икки марта Осиё чемпионатида совриндор бўлдим. Ўтган йили Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Сингапурда биринчи бор ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган олимпиадага йўлланмани қўлга киритдим. Бу муваффақиятга мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани учун эришдим. Чунки юртимизда кўплаб замонавий спорт мажмуалари қурилди. Уларда болалар севган спорт турлари, жумладан, дзюдо бўйича тўгараклар очилиб, малакали мураббийлар машғулот олиб боришяпти. Ўсмирлар ўртасида қизиқарли спорт мусобақалари, жумладан, дзюдо беллашувлари ташкил этиляпти. Ҳозир бутун диққат-эътиборим Сингапур олимпиадаси тайёргарлигига қаратилган. Устозларим кўрсатмаларини беками-кўст бажаряпман. Мақсадим — Абдулла Тангриев, Армен Бағдасаров каби таниқли дзюдочиларимизга ўхшаб, ўзбек дзюдо мактабининг шуҳратини дунёга ёйиш. Бунинг учун Сингапур олимпиадасида албатта ғалаба қозонишим керак. Шунда кўрсатилаётган ғамхўрликка қисман бўлса-да, жавоб қайтарган бўламан, катта спортдаги фаолиятим бошланиб, Лондон олимпиадаси саралаш мусобақаларида қатнашишимга имконият берилади.

Нозимахон АҲМАДБЕКОВА, Боровский номидаги тиббиёт коллежи талабаси:

— Шифокор бўлиш орзусида Боровский номидаги тиббиёт коллежига ҳужжатларимни топширдим. Талабаликнинг илк кунлариданоқ жиҳозланган ўқув хоналари, лабораторияларни кўриб, талабчан устозларимнинг сабоқларини тинглаб, орзуим ушалишига ишонч ҳосил қилдим. Ҳозир дарсларни қунт билан ўзлаштираяпман. Келажакда Тошкент тиббиёт академиясида ўқиш ниятим бор. Чунки соғлиқни сақлаш тизимида катта ислоҳотлар ўтказилиб, тиббиёт ходимлари учун зарур шарт-шароитлар яратилаётган даврда шифокор бўлиш орзусида юрган биз ёшлар бу имкониятлардан унумли фойдаланишимиз керак. Негаки юртимизда соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда малакали тиббиёт ходимлари жуда зарур, улар шарафли вазифаларни бажаришлари керак бўлади. Бунинг учун тиббиёт таълим масканларида ўқиётган биз ёшлар буюк табибимиз Ибн Сино ворислари эканимизни доим ёдимизда сақлаб, инсоният дардларига дармон кашфиётлар қиладиган шифокор-олим бўлиб вояга етишимиз керак.

Бекзод МУСАЕВ, Тошкент Давлат юридик институти магистранти, Президент стипендиати:

— Институтда ўқишни бошлаганимдан буён биз учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, тажрибали устозларнинг сабоқ-маслаҳатларини тинглаб, келажакда етук ҳуқуқшунос бўлишимга ишончим ортиб бораяпти. Дарсларни пухта ўзлаштириш билан бирга, устозим Қумринисо Абдурасулова раҳбарлигида тадқиқот олиб бораяпман ва лойиҳаларим билан кўрик-танловларда қатнашиб келаяпман. 2007 йили «Ҳуқуқшунослик» фани бўйича ўтказилган Республика фан олимпиадасида 2-ўринни қўлга киритдим. Муваффақиятдан руҳланиб, тадқиқотларим қамровини кенгайтириб, қатор илмий-оммабоп рисолаларни эълон қилдим. Бу тадқиқотларим 2010 ўқув йилида Президент стипендиясига муносиб кўрилди. Айни кунларда «Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш — давр талаби» номли лойиҳа устида илмий изланиш олиб бораяпман. Чунки ҳар бир ҳуқуқшунос қайси вазифада ишлашидан қатъи назар, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилиши лозим. Биз ҳуқуқий давлат барпо этяпмиз. Президентимиз ишлаб чиққан ва жаҳон жамоатчилиги эътироф этган «Ўзбек модели»нинг беш тамойилидан бири — қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқшуносларимизнинг асосий вазифаси бўлиб қолаверади. Шу боис биз ёшлар институтимиз ахборот-ресурс марказида дунё мамлакатлари ҳуқуқий ҳужжатларини чуқур ўрганишимиз ва келажакда юртимизда мукаммал қонунлар яратилишига ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Абдусалим МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Жаҳон чемпионати:

дастлабки ҳаяжонлар

■ Йоханнесбургдаги тантанали очилиш маросими, илк учрашувни бошқарган ҳакамларимиз Равшан Эрматов ва Рафаэл Илёсовнинг аниқ қарорлари бугун футбол мухлислари, мутахассислари томонидан эътироф этилмоқда.

Чемпионатнинг дастлабки кунида «А» гуруҳидаги ўйинлар дуранг билан якунланди. ЖАР — Мексика — 1:1, Уругвай — Франция — 0:0. Иккинчи кун «В» гуруҳидан жой олган қитъадошларимиз Жанубий Корея футболчилари учрашувни кўтаринки рухда ўтказиб, Греция терма жамоаси дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўллади — 2:0. Гуруҳнинг иккинчи учрашуви таниқли футболчи Марадонанинг жаҳон чемпионатидаги мураббийлик фаолиятида зафарли одим бўлди: Аргентина — Нигерия — 1:0. Футбол ватанидан бўлган англиялик чарм тўп усталари «С» гуруҳининг илк ўйинида АҚШ терма жамоаси билан муроса кўчасини танлашди — 1:1.

Кеча чемпионатнинг учинчи кунида «С» гуруҳининг Жазоир — Словения (0:1), «Д» гуруҳининг Германия — Австралия, Сербия — Гана учрашувлари ўтказилди.

Асрор МЎМИНОВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Dilshod NARZULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
13355 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 17.25
Topshirilgan vaqti — 19.40
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

Савоб...

Мулоҳаза ■ Тўқлик ва шўхлик. Тежам ва исрофгарчилик. Сахийлик ва бахиллик. Қарз ва фарз. Булар кеча пайдо бўлган тушунчалар эмас...

Дўстга хор, номардга муҳтож бўлмай, қарз сўрамай, хотиржам яшаш катта бойлик. Фақат ҳар нарсани шукрона ва сабр билан қаршилаш жоиз. Халқимиз яхши қўшнидан сўрагунча, ёмон уйингдан қидир, деб бежиз айтмайди. Аслида бойлик — ҳалол меҳнат меваси. Бойликни топиш бошқа-ю, уни қай мақсадда сарфлаш бошқа.

Маҳалладаги бир пулдордан сўрашибди.

— Қандай қилиб бой бўлдингиз?

— Бунинг сири кўп. Энг муҳими, нафсни тийиш. Бир шеригим билан тижоратдан яхшигина пул топдик. Шеригим нафсига эрк берди...

Пул топиб, ақл топмаганлардан бири шу бўлади.

Нафсини тийган бойликка эришади. Аксинча бўлса, хорликка...

Мен бир тежамкор, пиру бадавлат одамни биламан. Судхўр эмас. Қадрдоним пулдан қийналиб қолган эди, қарз олиб бер, деб қўймади. Дўстимнинг юзидан ўтолмай ноилож бирга бордим. Бизларни яхши кутиб олди. Ғилам тўшалган сўрига ўтқазди, кейин ўзи қўйларга ем беришда давом этди. У қопдаги емдан тоғорачада олиб, ҳар бир қўйга ўлчаб соларди. Шеригим менга маъноли қараб қўйди. «Хасисга ўхшайди, пул бермайди», деб қулоғимга шивирлади.

— Сабр қил, — деган ишора билан уни вазминликка ундадим.

Ниҳоят, мезбон ишини тугатиб, қўлини ювиб, кифтидаги рўмолчага артганча ёнимизга келиб ўтирди.

— Хўш, хизмат? — деди у бизга юзланиб.

Муддаога ўтдик. У бир менга, бир шеригимга маъноли қаради.

— Пул топиш осон эмас, қийин, жуда қийин, — деди сўнг салмоқлаб. — Сув қаттиқ жойда туради. Меҳнатдан қочмаслик керак!

У ўрнидан туриб ичкарига кириб кетди. Шеригим «кета қолайлик», деган маънода менга имо қилди.

— Сабр қил, — дедим.— Бу киши пулга муҳтож эканингни сезиб турибди.

У киши картон қутичани кўтариб чиқди. Ёнида катта дафтар. Биз сўраган пулни дафтарга ёзиб, сўнг санашга тушди. Резина белбоғли икки даста пулни олдимизга қўйди.

— Энди муддатидан ўтмасин! Агар кечикадиган бўлса, хафалашиб қоламиз, — деди у. — Лафзи ҳалолликда гап кўп, топганингизга барака киради.

Отахон бизларни кузатар экан, гапга тушиб кетди: — Мана шу қўйлар орқали пулимга пул қўшилаяпти. Узоғи билан икки-уч ой боқаман. Сўнг харидор ўзи уйдан олиб кетади. Аммо мен бир нарсага ҳайронман. Ҳайҳотдек ҳовлиси бўла туриб, қўй у ёқда турсин, товуқ ҳам асрамайдиган инсонлар бор. Яна камбағалман, ночорман, деб нолиб юради. Баъзи топармон-тутармон кимсалар хўжакўрсинга сахийлик қилишади. Маҳалладаги тўйхона қолиб, аллақаёқдаги ресторанларда ош беришади. На маҳалладошлари, на қариндош-уруғи айтилади. Бунинг нимаси сахийлик?

Ахир тўйни ўз маҳаллангда қилсанг, маҳалла-кўй, қўни-қўшни, бола-чақа баҳраманд бўлади-ку. Устига устак, маҳалладаги қариялар, беморларга ҳам ош етказилса, қандай яхши.

Одам, заҳмат чекиб, пул топгандан кейин ақл билан сарфласа, савоб ишлар қилса, бойийди. Аксинча, ҳеч қачон бири икки бўлмайди.

Ука, мен бир қарашда сизнинг ориятли одам эканлигингизни билдим. Шунинг учун ҳожатингизни чиқариб, савобга қолай дедим. Омадингизни берсин, ишларингиз юришиб кетсин.

Юнус ЗИЁДОВ, меҳнат фахрийси.

«Агробанк» ОАТБ Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси янги юқори фоизли ва жозибадор

«ЖОЗИБА» омонатини таклиф этади!

AGROBANK

Омонатни сақлаш муддати — 12 ой, фоиз ставкаси — йилига 30 фоиз.
Омонатга маблағлар 2010 йилнинг 5 июлига қадар қабул қилинади.
Омонат эгаси маблағ қўйилган кундан сўнг ҳар ойда омонат учун ҳисобланган фоизларни олиш ҳуқуқига эга.
Омонат бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади.

Унутманг: «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисоб рақамларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади!

«Агробанк» омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.

«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанликнинг молиявий таянчи!

Маълумотлар учун телефонлар: (8361) 780-00-43, 222-35-31. Хизматлар лицензияланган.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

BANK

Сиз учун диққатга лойиқ **«МЎЪЖИЗА»** *омонатини таклиф этади.*

Омонатга маблағлар банкнинг барча муассасалари томонидан 6 ой муддатга қабул қилиниб, фоиз даромадлари билан бирга, омонатдаги маблағлар белгиланган муддат давомида сақлангандан сўнг, омонат қолдиғига 4 фоиз бонус тариқасида қўшимча даромад тўланади.

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган